



Дилдан суҳбат
қурсаккина қалбга
йўл топмоқ мумкин

3-с.

Тафаккур ва
ёндашув ўзгаргани
ҳаётни ҳам ўзгартирди



5-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

2025 йил
12 НОЯБРЬ,
ЧОРШАНБА

Mahalla

№91
(2315)

WWW.UZMAHALLA.UZ

МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!

••••• УЮШМА КУНДАЛИГИ

Ёшлар ҳам хунарни, ҳам касбни бўлади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Қашқадарё вилояти маҳаллаларида бўлди.



Уюшма раиси дастлаб Қарши туманидаги 2-сон политехникумида бўлди. Бу ерда тахсил олаётган ёшлар билан суҳбатлашилди, имконият, шaroитлар билан танишилди. Муассасада “IT” тўғрагини очиш, уни компьютер жиҳозлари билан таъминлаш, тракторни лизингга бериш масалалари мутасаддилар билан ҳал этилди.

Худди шундай мазмунли мулоқот Ғузор тумани “Тинчлик” маҳалласидаги 1-сон политехникуми ёшлари билан ҳам бўлди. Муассасада Германия давлатига ишга бориш бўйича рўйхат шакллантирилган бўлиб, “AVESTUS” дастури асосида 59 нафар ёш ўқитилмоқда. Бундан ташқари, немис тилини ўрганиш истагини билдирган 45 нафар уюшмаган ёш тил курсларида тахсил оляпти. Мулоқот давомида мазкур ишларни янада жадаллаштириш, тартибли меҳнат миграциясини ташкил этиш, тил сертификатига эга ёшларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Миграциядан қайтган кўлаб ғузорлик ёшларга Пре-

зидентимиз ташаббуси асосида ер берилган. Ўтган йили деҳқончилик ортидан улар яхши даромадга эришди. Бу йил ўз маблағлари ва лизинг асосида дала ишлари учун трактор ва қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишга қарор қилишган. Жараёнда тумандаги меҳнаткаш ёш деҳқонларга янги махсус техникалар топширилди.

Уюшма раиси “Тинчлик” ва “Жарарик” маҳаллаларида “еттилик” вакиллари билан суҳбатлашди. “Маҳалла еттилиги”нинг ишга келиб кетиши, фаолиятида кузатилаётган муаммолар ўрганилди. “Мустақиллик” йиғинидаги маҳалла боғига яхши ниятлар билан кўчатлар экилди.



••••• УЮШМА КўМАГИДА

ЎЗАРО ЎЗВИЙ ҲАМКОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

Маҳалла тизими ислохотларнинг марказий ва ҳал қилувчи бўғинига айланди. Давлат барча ислохотларни айнан маҳалла орқали аҳолига етказишни мақсад қилган. “Еттилик” тизими йўлга қўйилгач, маҳаллалардаги барча масалалар тизимли ҳал этилишига имкон яратилди.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Солиқ кўмитаси “Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ўзвий ҳамкорлигини таъминлаш тўғрисида” Қўшма қарор имзолади.

Президентимиз раислигида 2025 йил 14 октябрь кuni маҳалла тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда жойларда ишларни самарали ташкил этиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида маҳалла раислари бошчилигида “маҳалла еттилиги” маҳаллада муҳитни тубдан ўзгартириш учун янгича ишлаш тизимига ўтиши зарурлиги қайд этилди. Қўшма қарор билан белгилаб қўйилдики, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий

ҳодим ва солиқ инспекторини ишга қабул қилиш, лавозимидан озод этиш, бошқа ҳудудга ротация қилиш, меҳнат таътили расмийлаштиришдан 3 кун олдин маҳалла раиси хабардор қилинади.

“Маҳалла еттилиги” таркибидаги лавозимларга тайинлашда ушбу маҳаллада яшовчи номзодларга устуворлик берилади. Аҳоли муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишини тизимли ташкил этиш мақсадида маҳалладаги кўчалар “еттилик” аъзоларининг ҳар бирига бириктирилади. Бу жараёнда “еттилик” аъзosi ўзига бириктирилган кўча ва ундаги хонадонларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, аҳолини жалб қилган ҳолда ҳашарлар уюштириш ва бошқа маҳалла фаолиятига оид масалаларни бажарилишига шахсан масъул бўлади.

“Маҳалла еттилиги” аъзолари учун алоҳида йиғилиш ўтказиш амалиётига чек қўйилади.

Давоми 2-саҳифада.

ДИҚҚАТ, ШОШИЛИНГ!

“Mahalla” газетаси ва
“Mahalla ko‘zgusi” журнаliga
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Ҳар икки нашримиз
2026 йил давомида
Сизга энг яқин ва ишончли ҳамроҳ,
ҳуқуқий маслаҳатчи ва
илғор тажрибалар майдони
ҳамда ошкора мулоқот
минбарига айланади.

ОБУНА БўЛИНГ ВА УНУТМАНГ —
“MAHALLA”НИ ҲАР КУНИ ВА
ҲАР ДОИМ ҲАР БИР РАИС
ЎҚИШИ КЕРАК!



Ҳа,
айтганча,
ҳар иккала
нашрнинг
обуна нархи
ўзгармаган.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
71 233-39-89, 71 233-10-92

••••• ТАНЛОВ

ОБОДЛИККА ЕТАКЛАГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

“Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” кўрик-танловининг маҳалла босқичи бошланди.

Танлов тўрт босқичда, учта номинация бўйича ўтказилади. Ҳар бир номинация бўйича ғолиблар аниқланиб, Республика босқичи ғолиблари Президент совғаси — автомобиль билан тақдирланади. Иккинчи ўрин соҳиблари 50 миллион сўм, учинчи ўринни эгаллаганлар 30 миллион сўм пул мукофотига сазовор бўлади. Танловнинг маҳалла босқичини “еттилик” вакиллари ташкил этади ва ўтказилади. “Обод хонадон” номинациясида иштирокчилар хонадоннинг ободлиги, кўкаламзорлаштирилгани, соғлом турмуш тарзига риоя этишда намуна кўрсатгани, маҳалла ҳаётидаги фаоллигини тақдимот қилади. “Обод кўча” номинациясида кўчабошилар маҳаллаларда хонадон ва кўча-



ларнинг ободлиги, “Саломатлик йўлаклари” қурилгани бўйича ижобий тажрибаларини тушунтириб беришлари лозим.

Давоми 2-саҳифада.



ЎЗГАРИШНИ
ҲАЁТИДА ХИС
ҚИЛМОҚЛИК
ҲАҚИҚАТНИНГ
МЕЗОНИДИР

6-с.

ЖОНЛИ
МУЛОҚОТЛАР
ЯНГИ ҒОЯ,
ТАШАББУСГА
ЕТАКЛАЙДИ



7-с.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Ўзбекистон касаб уюшмалари фаоллари ва аъзоларига табрик йўллади.



Давлатимиз раҳбари ТИББИЁТ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ билан учрашув ўтказди.



Президентимизга СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ, тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича тақдимот қилинди.

УЮШМА КЎМАГИДА

Ўзаро узвий ҳамкорлик таъминланади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Сурайё ИМИНЖОНОВА, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими бошлиғи.

Ййғилишлар ҳар ҳафтада бир марта Республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари билан келишилган ҳолда ташкил этилади. “Маҳалла еттилиги” амалга оширган ишлар юзасидан **ойлик ҳисобот** ҳамда маҳалла раиси йўналтирган муаммоли масалаларни ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ҳодим томонидан **ҳал этилиши назорати** “Рақамли маҳалла” электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Қўшма қарор билан “**Маҳалла еттилиги**”нинг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлаш тўғрисида”ги Низом тасдиқланди. “Маҳалла еттилиги” аъзоларининг Низом талаблари асосида фаолият юритишини таъминлаш, бу борадаги ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасига юклатилди.

Низомга асосан, “маҳалла еттилиги”



аъзоларининг ишга келиши ва ишдан кетиши “Рақамли маҳалла” платформасидаги махсус мобил иловада “Face ID” орқали амалга оширилади. Иш вақти давомийлигининг чегараси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бўлади. Давомат (табелъ) “Рақамли маҳалла” платформаси орқали инсон омилсиз автоматик шаклланади. Ўз навбатида ходимларнинг меҳнатига иш ҳақи ҳисоблаш ҳам мазкур табелъ орқали амалга оширилади.

“**Маҳалла еттилиги**” аъзоларининг ҳамкорлиги вазифалари аниқ кўрсатиб ўтилди. Бу жараёнда ҳар бир ходимнинг фаолият йўналишидан келиб чиқиб, “еттилик” вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширадиган вазифалари

белгилаб берилди.

“**Маҳалла еттилиги**” вакилларининг фаолиятини баҳолаш тартиби белгиланди. Бунда маҳалла раисининг фаолиятини туман (шаҳар) маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгаши ҳар ойлик иш режалар асосида баҳолайди.

Ҳисобот якунлари бўйича фуқаролар ййғини **маҳалла раисини** рағбатлантириш, интизомий тартибда жазолаш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масалаларини кўриб чиқади. Фуқаролар ййғинининг қарори нусхаси “**еттилик**”ни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишга бўлган жазо чораларини қўллаш учун уларнинг иш берувчи (юқори турувчи) ташкилотига тақдим этилади.

Умуман олганда, янги тартиблар асосида маҳаллада “еттилик”нинг узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилади. Ҳар бир масалада ўзаро маслаҳатлашув, биргаликда қарор қабул қилиш амалиёти ҳаётга татбиқ этилади. Маҳалла раисининг “еттилик” ишини мувофиқлаштиришдаги ваколати аниқлаштирилди.

ОБОДЛИККА ЕТАКЛАГАН ЭЗГУ ТАШАББУС

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Айни пайтда жойларда танловнинг маҳалла босқичлари қизгин руҳда давом этмоқда. Уларда кўчабоши ва хонадон эгалари ўз тажрибалари, маҳалла ҳаётидаги иштироки бўйича баҳоланяпти.

Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги “Богбон” маҳалласида ташкил этилган танловда маҳалла аҳолиси ўз хонадонлари, кўчалари ва ҳудудларини янада обод ва файзли қилиш йўлидаги ташаббусларини кўрсатишди. Оилаларда шаклланган қадриятлар, хонадон озодалигини таъминлашдаги тажрибалар намойиш этилди.

Баҳолаш якунларига кўра, “Обод хонадон” номинацияси бўйича Наргиза Қобилова хонадони биринчи ўринга лойиқ топилди. “Обод кўча” номинациясида Уҳкум кўчаси кўчабошиси Убайдулла Маҳамбетовнинг тажрибаси юксак баҳоланди. Эндиликда улар танловнинг туман босқичида маҳалласи шарафини ҳимоя қилади.

Фарғона вилоятининг барча 1 015 та маҳалласида мазкур танлов доирасидаги ишлар бошлаб юборилди.



Ташаббус юртимизда маҳаллаларни янада гўзал, хонадонларни озода ва кўчаларни тартибли қилиш, фуқароларда бунёдкорлик руҳини мустаҳкамлашга қаратилган.

Фарғона туманидаги “Каптархона” маҳалласида танловнинг биринчи босқичи ўтказилди. Унда танловнинг мазмуни ва аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Танлов якунида ёлиб деб топилган хонадон, кўча ва маҳаллалар кейинги босқичда иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Улуғобод” маҳалласи ҳудудида жойлашган 1 100 та хонадон ва 25 та кўчада дастлабки саралаш ишлари олиб борилди. Баҳолаш жараёнида “маҳалла еттилиги” ҳамда фуқаролар иштирок этиб, белгиланган танлов мезонлари асосида хонадонлар ва кўчаларнинг ободонлиги, тозалиги, тартиб-интизому ҳамда яшаш муҳитининг намунавий ҳолати ўрганилди.

Маҳалла аҳли ишонч билдирадиги, бу танлов нафақат ёлибларни аниқлаш, балки ҳар бир хонадонни ободлик сари етаклайдиган эзгу ташаббусга айланади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ САМАРҚАНД ШАҲРИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Самарқанд тажрибаси” қандай самара беряпти?



Ўтган қисқа давр мобайнида Самарқанд шаҳрида маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жамшид ҚОДИРОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи.

Бу жараёнда дастлаб аҳолининг демографик ва ижтимоий ҳолати, таълим, ижтимоий соҳа объектиларига доир “Маҳалла баланси” шакллантирилди. Бандлик дастурлари доирасида 6 300 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Ҳар бир маҳалланинг “Омбор китоби” шакллантирилди.

“Хўжақилшоқ” маҳалласида “Маҳалла сервис компанияси” ташкил этилди. Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан “оғир” бўлган ҳамда аҳоли муурожаатлари кўп тушаётган маҳаллаларда Ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилиб, “Самарқанд тажрибаси” жорий этиляпти.

Шунингдек, шаҳар марказида халқимиз ҳамда хорижий меҳмонларга қулайлик яратиш баробарида аҳоли гавжум ҳудудларни янада

ободонлаштириш мақсадида яна бир лойиҳага қўл урилди. Қорасув массивидаги “Обод маскан” маҳалласида иккита ярим ер ости чиқинди сақловчи махсус қутилар мажмуаси ишга туширилди. Мазкур ер ости чиқинди сақлаш мажмуаси икки метр чуқурликда жойлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига иккитадан жами тўртта махсус контейнер ўрнатилган. Контейнерларнинг сифими 3 метр куб, яъни 550 литрни ташкил этади. Ҳозирда у 1000-1500 нафар аҳолига хизмат қиляпти. Келгусида бу каби ер ости мажмуасидан ҳудудда яна 5 та қуриш режалаштирилган.

Эътиборлиси, бу каби самарали чора-тадбирлар аҳоли томонидан катта қизиқиш билан қутиб олиняпти. Чунки илгари шамол ёки турли ҳайвонлар туфайли чиқиндилар ер устига

сочилиб кетарди. Энди эса унинг маъқул ечими топилди.

Бугунги кунда Уюшма кўмагида “маҳалла еттилиги” учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жорий йил давомида иккита маҳаллага янги бино қурилди, иккитаси жорий, учтаси тўлиқ, иккитаси қисман таъмирланди. Яна учта маҳалла биноларида қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этапти.

Маҳалла раислари “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида 5 136 та ижтимоий муаммоларни ижобий ҳал этиб, қўшма ҳулосалар тузди. “Ижтимоий профилактика” тизими борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш бўйича “қизил” тоифадаги 22 та “маҳалла еттилиги” учун қисқа муддатли ўқув-семинар ташкил этилди.

Бирдамлик бўлган жойда нотинч оила бўлмайди

ЖАРАЁН

“Еттилик” аъзолари билан биргаликда бор имкониятдан фойдаланиб, маҳаллани ишсизлик, жиноятчилик ва оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айлантиряпмиз.

Шухрат САИДОВ, Самарқанд шаҳридаги ййёсиддин Жамшид номидаги маҳалла раиси.

Авалло, ҳар бир фуқарони даромадли қилиш учун хизмат кўрсатиш, савдо-сотик ва туризм соҳасини ривожлантирдик. Ўн нафар ишсиз хотин-қизни Мономарказда ўқитиб, ишли қилдик. “Аёллар дафтари”га рўйхатга олинган 52 нафар хотин-қизга йўналишлари бўйича турли ёрдамлар кўрсатилди. 14 нафари имтиёзли кредит олиб, тикувчилик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, бир нафари турли хил ширинликлар тайёрлаб сотаяпти. Яна бир ишсиз фуқаро кредит олиб, “Чап-чак нон” савдо дўконини йўлга қўйди. Натижада бешта янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда юздан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритяпти. Биргина Толиб Усмонов раҳбарлигидаги “Shashlik.uz” ва “Khan Ahmad” хусусий корхонасининг 16 та умумий овқатланиш шохобчаси



Сиёб канали ён-атрофлари бетонлаштирилиб, боғ яратилганидан, мини футбол стадиони, теннис, баскетбол, варкоут майдончалари қурилганидан ҳам кўриш мумкин. Бугун кўчалар обод, йўллар чарагон. Фақат янги ташаббус кўрсатиб, ишлаш қолди.

ва битта супермаркетда саккиз юзга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қиляпти. “Optovik.uz” савдо марказида эса 20 та янги иш ўрни яратилди.

Эътиборлиси, Самарқанд шаҳрида илк бор бизнинг маҳаллада Толиб Усмонов ташаббуси билан ресторан ва хизмат кўрсатиш соҳасида малакали, халқаро мезонларга жавоб берадиган кадрларни тайёрловчи “Gastro expert” ўқув академияси иш бошлади. Ҳозир бу ерда 350 дан ортиқ талаба уч ойлик ўқув дастур асосида ошпазлик, официантлик, барменлик, администраторлик, қандолатчилик ва қассобчилик каби йўналишларда ўқитилмоқда. Бу ерда ёшлар нафақат касб эгаллаштири, балки халқаро даражадаги сертификатга эга бўлиб, Япония, Англия, Болгария, Қозғистон каби мамлакатларда иш фаолиятини давом эттиряпти. Ушбу ўқув марказ Хитой, Япония, Индонезия, Малайзия ва Сингапур давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган ҳолда тажриба алмашиш, хорижий ошхона технологияларини ўрганиш ва ўзбек миллий таомларини дунёга тарғиб қилиш ишларини йўлга қўйган.

Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам бой бўлади, деганларидек, маҳалланинг саховатпеша тадбиркорлари ҳомийлигида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиб келиняпти. Биргина Толиб Усмонов тўртта оилани ўз қарамоғига олиб, 36 та оилга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беряпти. 20-мактабни ҳомийликка олиб, таъмирлаб берди.

“Маҳалла еттилиги”, аҳоли ва тадбиркорлар бирдам бўлган маҳаллада ишсиз фуқаро, нотинч оила бўлмайди. Эҳтиёжманд оилаларга ўз вақтида ёрдам кўрсатилади. Маҳалла обод бўлиб, халқ фаровонлиги юксалади.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.



Президент қарорига кўра, 2026 йил 1 апрелдан давлат тиббиёт муассасаларининг иш вақти тартиби 5 КУНЛИК ИШ ҲАФТАСИГА ўтказилади.



Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва нарко-жиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ қабул қилинди.



Ўзбекистон ва Озарбайжон Ҳукуматлари ўртасида МОБИЛ ҚУРИЛМАЛАР БЎЙИЧА ахборот алмашинувини ташкил этиш тўғрисидаги битим тасдиқланди.

Mahalla

№91 | 2025 йил 12 ноябрь, Чоршанба

3

ФАРҒОНА
ВИЛОЯТИ
ФУРҚАТ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ТАРАҚҚИЁТ ШИДДАТИ, ШУКРОНАЛИК ТУЙҒУСИ ҲАР ҚАДАМДА МУЖАССАМ

Бугун фуқароликлар ўзгаришларни эшитдик, деб эмас, кўрдик, ҳис қилдик, деб баралла айтишмоқда. Чунки ислохотлар уларнинг кўз ўнгида содир бўлмоқда. Кеча қийин бўлган юмушлар бугун осон, узоқ бўлган манзиллар яқин. Янгиланган ичимлик сув тармоқлари, йўл ва барқарор электр таъминоти уларнинг ҳаётига енгиллик, қулайлик, қалбига ишонч олиб кирди. Биргина ичимлик сув билан таъминлаш даражаси аввал 23 фоизни ташкил этган бўлса, бугун 83 фоизга етди.



Алижон ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Фурқат тумани бўлими бошлиғи.

Худудлар тараққиёти, аввало, инфратузилмага боғлиқ. Жорий йилда 22 та маҳалланинг шу йўналишдаги муаммосини ҳал этиш учун 70 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Бу каби эътибор ва ғамхўрлик Тожикистон Республикаси билан чегарадош “Шўр” маҳалласида яшовчи аҳоли ҳаётида қулайлик яратди. Сувсизликдан қақраб ётган томорқалар яшнаб, боғга айланди. Одамлар мавсумда 3 мартагача ҳосил олмақда.

Ўз навбатида, тадбиркорлик ривожига ҳам яхши имконият пайдо бўлди. Шу боис бу соҳага қизиқувчилар сони ортмоқда. Икки йил аввал Баҳром Комилов 55 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган эди. Бугун фаолиятини кенгайтириб, 10 та иш ўрни яратди.



Бугун фуқароликлар дилларида шукроналик, юзларида миннатдорлик туйғуси мужассам. Одамлар хурсанд, кўнгишлар тўқ, эртанги кунга ишонч бор.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали ўзи маъқул топган таклифга овоз бермоқда. Бу жараён “Чилғижида” маҳалласи аҳолисини ҳам бирлаштирди. Танловнинг 2-босқичида 17-мактаб таъмири учун зарур маблағ ютиб олинди. “Қўқонбой” маҳалласида миллий хунарандчиликка ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этилиб, бу ерда Ўзбекистон халқ устаси Мухаммадали Юнусов ёшларга сабоқ бермоқда.

Иқтисодий имконият ошгани сари ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралишлар сони камайиб бормоқда. Айниқса, миграциядагилар билан ишлашда қулайлик яратилди. Бу йўналишдаги маълумотлар “Рақамли маҳалла” платформасига киритилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойи — оилавий ажралишларнинг олдини олиш ойлиги, деб эълон қилинган эди. Бу ташаббус натижасида 81 та оилани ярашти-

ришга эришдик. Уй-жойи таъмирга муҳтож 4 та оилага кўмак берилди. Шунингдек, 10 нафар фуқаронинг даволаниш харажати қопланди.

Айтиш керакки, 15 гектар майдонда барпо этилаётган “Дўстлик сити” мажмуаси туман эртасига қўйилган улкан қадамдир. Хар ерда шинамлиқ, хар қадамда имконият, хар бинода тараққиёт нафасини сезиш мумкин.



ТАШАББУС

ТАЖРИБА

Ободлик энг оғир ҳудудларни ўз бағрига чорлаган

Ҳар қандай иқтисодий ислохот ёки ҳудудий дастурнинг замирида иш ўринлари очиш, аҳоли ҳаётини яхшилаш мақсади мужассам. Шу боис хайрли ишларни энг оғир туманлардан бошлашга одатланганмиз. Бундан мақсад, аввало, ўша ердаги шароитни яхшилаш, одамларнинг оғирини енгил қилиш.



Азимжон ЭРАЛИЕВ,
Фурқат туманидаги
“Жалойир” маҳалласи раиси.

Марказдан 15 чақирим олисда жойлашган маҳалламиз ҳам ана шундай “оғир” тоифадаги ҳудуд ҳисобланарди. Санот корхоналари йўқлиги учун аҳолининг асосий даромади томорқадан. Аммо суғориш тизимидаги муаммолар ердан унумли фойдаланишга тўсқин-

лик қилар эди. Устига-устак электр таъминотидаги эзил-лишлар, ички кўчаларнинг таъмирталаблиги одамларни қийнарди. Бу масалалар йиллар давомида ечимини топмай келарди.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида ҳудудимизда улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Эски симёточлар замонавий таянч устунга алмаштирилди, йўллар асфальтланди, оқова сув тармоғи тортилиб, ариқлар

бетонланди. Бу ишлар учун 3 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Кечагина ушалмас орзу бўлган масалалар рўйбидан аҳолининг қувончи чексиз. Айниқса, бу ишлар Тепа Жалойир қишлоғи аҳолисини жуда хурсанд қилди. Хонадонларга оқова сув етиб борди. Натижада томорқадан йилига 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

Комилжон Эгамовнинг асли касби ҳайдовчилик. Аммо ишдан бўш пайтида 14 сотих

томорқасида банд бўлади. 4 сотихли иссиқхонада лимон етиштириб, йилига 78-80 миллион сўм даромад олади. Қолган 10 сотих ерга помидор, картошка, бўлғор қалампир эккан. Бу орқали яна 30 миллион сўм фойда кўради. Нуриддин Эсоновнинг 18 сотих томорқаси бор. Шундан 10 сотихида лимон, 8 сотихида гул парваришлайди. Ишсизлар рўйхатида турган Шавкат Эркиновга ижара асосида 15 сотих ер, субсидия асосида мотокултиватор берилган. Бу йигит ҳам деҳқончилик ортидан ўзини ўзи банд қилди. Қўшимчасига хонадонидagi 2 сотих майдонда биоғумус етиштирмоқда.

Юқоридаги хонадонларнинг ҳар бир аъзоси бўш вақти бўлди, томорқада ишлайди. Етиштирилган мева-сабзавотнинг бир қисми оила эҳтиёжини қопласа, қолгани бозорда сотилади. Меҳнатлари ортидан ҳаёти фаровон, дастурхони тўкин бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз барча соҳаларда намунали, ибратли ҳудудга айланмоқда.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

ДИЛДАН СУҲБАТ ҚУРСАККИНА ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПМОҚ МУМКИН

Муроджон Султонов 22 сотихли иссиқхонада кўчатчиликни йўлга қўйган. Бу ерда эртанги помидор, совуққа чидамли гул кўчатлари етиштириш баробарида ёшларга иссиқхоначилик сир-асрорини ўргатапти.

Иқболжон УСМОНОВ,
Фурқат туманидаги
“Қушчи” маҳалласи раиси.

Худудда мана шундай ҳаракатчан, ташаббускор инсонлар талайгина. Ишсиз одамни топа олмайсиз. Барча соҳаларда натижалар кўнгилдагидек. Ишсизлик, камбағаллик, оилавий ажралишлар, жиноятчиликдан холи ҳудудга айланыпмиз. Бунинг бош омил — ҳамжиҳатликда. “Маҳалла еттичилиги” ва аҳоли бир бўлиб, ҳар қандай масалага ечим топяпмиз.

Иш кунимни кўчаларни айланишдан бошлайман. Одамлар билан дилдан суҳбат қураман, қалбига қулоқ тутаман. Келгуси режамни шу асосида тузиб оламан. Қаерда қандай муаммо бор, кимга қандай ёрдам зарурлиги кўз олдимда ойнадек акс этади.

Маҳалламиз “оғир” ҳудуд тоифасига киритилгач, кўп масалаларга ечим топилди. Айниқса, оқова сув танқислиги бартараф этилиши томорқачилик имкониятини янада оширди.

Маъмур муаммонинг ечимида 2,5 километр ариқ бетонланди. Бун-

дан ташқари, битта 60 метрли қудуқ қовлашиб, 80 та хонадон ва 20 та 15 сотихли ижара асосида берилган томорқани сув билан таъминлаш учун шароит яратилди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолибликни қўлга киритганимиздан сўнг 5-6 умумтаълим мактабларига қўшимча бино барпо этилди. Бу халқимиз учун қутилган ва қувонарли янгиллик бўлди. Саъй-ҳаракатларимиз билан яқинда эски майдон таъмирланди. Бу орқали 60 нафар ёшнинг футбол билан шуғулланишига шароит яратилди.

Маҳалла ҳудудида 10 дан ортиқ янги савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари фаолияти йўлга қўйилгани учун иш ўринлари пайдо бўлди.

Худудда ёшлар сиёсати биринчи навбатдаги вазифага айланган. Шу мақсадда 354 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланди. Илмгоҳ кўчасида спорт майдончаси ва кутубхона ишга тушди. Қўмакка муҳтож 184 нафар фуқаро бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Фарзандлари қўшимча тўғрақларга жалб қилинди. “Камбағал оилалар реестри”га киритилган ҳамда ишсиз бўлган 185 нафар фуқарога 15 сотихдан ер берилди. Натижада ишсизлик ва камбағаллик даражаси кескин камайди.




Ғанижон ТОШМУРОДОВ,
Фурқат туманидаги
“Чеккуприк” маҳалласи раиси:

— Босма нашрлар нафақат ахборот тарқатувчи, балки маърифат улашувчи тарбия воситасидир. Маҳалла раиси сифатида бунга ҳис қилган ҳолда, газета ва журналларни ўқиб бораман. Жумладан, соҳамизга доир энг зарур, керакли ва ишончли маълумотларни “Mahalla” газетасидан топаман. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий билимни ошириб бораман. Бир сўз билан айтганда, “Mahalla”дан тизим ходимларини қизиқти-


радиган барча саволларга жавоб олиш мумкин. Саломатлик, спорт, савол-жавоб каби рункларда берилётган мақолаларни фаолиятимда кенга қўллаяман. Аҳоли ўртасида соғлом ҳаётни тарғиб этиш, спортни омалаштиришда муҳим қўлланма вазифасини бажаряпти. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча ҳамкасбларимни газета ўқиб боришга чақираман. Чунки мунтазам ўқиган одам юксалади, ўзгаради, ўзлигини англайди.



Ўзбекистоннинг
ХАЛҚАРО ЗАХИРАЛАРИ
60 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА
яқинлашди, бу статистика
давридаги энг юқори
кўрсаткич.



Ўзбекистон “Nvidia”
иштирокида сунъий
интеллект бўйича
ИЛФОР ТАЖРИБА
МАРКАЗИ ва
КЛАСТЕРЛАР яратади.



Жиноят кодексига
“Аҳоли саломатлиги ва
миллат генофондига
қарши жиноятлар” номли
АЛОҲИДА ЯНГИ БЎЛИМ
киритилади.

ТОШКЕНТ
ШАҲРИ
МИРЗО УЛУҒБЕК
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БИЛСАНГИЗ ГАР, ҲАР БИР ҲУДУД ЗИЙНАТИ,
БУ — ПОКИЗАЛИК, САРАНЖОМЛИК

■ МАНЗАРА

ЭНГ АВВАЛО, ХАЛҚҚА ЯҚИН БЎЛМОҚЛИК МЕЗОНИМИЗ

Маҳалла — катта оила. Бу даргоҳда ҳар турли феъл-атвордаги кишилар, ўй-хаёллари бир-бириникидан тубдан фарқ қиладиган инсонларни учратасиз. Уларнинг кўнглига йўл топиш, ташвишларини аритиш осон эмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, халққа яқин бўлиш талаб этилади.



■ Нурали ПАРДАЕВ,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Жасорат” маҳалласи раиси.

“Еттилик” вакиллари билан айна шу ёндашув асосида фаолият юритиб келяпмиз. Мазкур тизимга келгунга қадар ҳарбий сифатида ишлаганим боис қатъий тартиб-интизомни ўзим учун асосий мезонга айлантирганман. Бу кўпроқ натижага эришиш учун ёрдам берапти.

Айни вақтда ҳудудимизда 3 236 нафар фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 80 фоизга яқини ҳарбийлар. Кўпчилик доимий банд бўлгани учун ортиқча муаммолар ҳам деярли йўқ. Маҳалламиз ишсизлик ва жиноятчиликдан холи ҳудуд ҳисобланади. Тўғри, барча йўналишни бир текис олиб бориш бироз мушкул. Лекин маҳалладошларимизнинг кўмаги билан ҳаммасини ууддалашга эришяпмиз. Айниқса, нуроний отахон ва онахонларимизнинг олтинга тенг маслаҳат ва ўғитлари ҳар жиҳатдан бизга дастак бўляпти.

Алишер Тўхтаев, Ширингул Канаева, Элмира Эргашева каби фидойи кексаларимиз билан тизимдаги барча масалаларни биргаликда ҳал қиляпмиз. Ёшлар тарбияси, миллий қадриятларни улар онгига чуқурроқ сингдириш, оилалар мустақамлигини таъминлаш

каби долзарб йўналишларда бу тенгсиз аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу ўринда тизим билан боғлиқ айрим мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Янада аниқроқ айтидиган бўлсам, бир маҳаллада ўзаро ҳамфикр тарзда ишлайдиган “еттилик” ходимларининг лавозимига тайинланиши ва ишдан бўшатилиши билан боғлиқ масалаларни раис билан ўзаро маслаҳатлашган тарзда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Сабаби, янги келган хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ёки ҳоким ёрдамчисига қонун-қоидаларни тушунтириш, аҳоли вакиллари билан яқиндан таништириш, иш ўргатиш баъзан раисдан катта куч ва вақт талаб қилади. Аммо эндигина керакли тажрибани эгаллаган мутахассисни бошқа ҳудудга йўналтириш ёки ўрнига бошқасини таклиф этиш қилинган меҳнатни ҳавога учириш билан баробар.

Айтайлик, ёшлар етакчиси ўз маҳалламиздан. Унга бирозгина кўрсатилган йўл-йўриқ қисқа вақтда натижасини кўрсатди. Мутахассис юрагида ўти бор ёшларни атрофда бириктириб, “Шижоат ва ғайрат” спорт мусобақаларига тайёрлади. Буни қарангки, спортчиларимиз жорий йилдаги турнирда республикада биринчиликни қўлга киритишди. Мазкур йўналишдаги ишлар тизимли равишда давом этаётгани ҳали олдинда ютуқларимиз кўплигидан далолат.

■ Илҳом АЛИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
уюшмаси Мирзо Улуғбек
тумани бўлими бошлиғи.

Кўз-киш мавсуми олдиндан “Ижодкор” маҳалласидаги икки қаватли 12 та уйнинг том қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳудудда замонавий болалар майдончаси ва мини-футбол стадиони барпо этилмоқда. Бу каби бунёдкорлик тадбирларидан фуқаролар беҳад миннатдор.

Шунингдек, Ҳабиб Абдуллаев номидаги маҳаллада ҳам кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари йўлга қўйилган. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли уйлarning фасад қисмига яшилликни татбиқ этувчи суратлар чизилиб, ўзгача кўринишга келтирилди. Аҳолининг мароқли дам олишлари учун “Wi-Fi” зоналар ташкил этилиб, замонавий ёзги кино-театр майдони бунёд этилмоқда. Шунингдек, ўзига хос айвончалар ташкил этилаётган бўлиб, бу ҳудуд кўрகига янада кўрк бағишлаши шубҳасиз.



Уйимизга келган меҳмон, аввало, ҳовлимизнинг покчилиги ва саранжомлигига эътибор қаратади. Шу орқали ўзи учун керакли хулосани чиқаради. Маҳаллага таширф буюрувчилар ҳам худди шундай.

■ “МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“МАНАЛЛА” — ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ!”



Ойдин ҲАЙДАРОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Олимлар” маҳалласи раиси:

— Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби маҳалламизда ҳам янгилашув ва ўзгаришлар таълим муассасаси талабаси бўлишига ёрдам кўрсатди. Ҳозир унга ҳомий бириктирилган бўлиб, ҳар жиҳатдан қўмаклашиб келяпти. Хотин-қизларнинг яшаш шaroитини яхшилаш, муаммоларини бартараф этиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида ҳам эътиборга молик жиҳатлар кўп. Уларга

Бундан ташқари, аҳоли вакиллари билан ҳам тизимли тадбирлар йўлга қўйилган. Хусусан, ёшлар етакчиси 11-синфни битирган чин етим бир боланинг олий таълим муассасаси талабаси бўлишига ёрдам кўрсатди. Ҳозир унга ҳомий бириктирилган бўлиб, ҳар жиҳатдан қўмаклашиб келяпти.

Хотин-қизларнинг яшаш шaroитини яхшилаш, муаммоларини бартараф этиш ҳамда бандлигини таъминлаш борасида ҳам эътиборга молик жиҳатлар кўп. Уларга

ажратилаётган кредит ва субсидиялар сабаб даромади ошяпти, рўзғорига барака кияпти.

Шундай хайрли ишларимизнинг барчасида “Mahalla” газетаси бизга ҳамроҳлик қиляпти. Қандайдир тушунмовчилик юзага келганда, дарров унга юзланамиз. Саҳифаларидаги бир-бирдан қизиқарли мақолалар тизимдаги фаолиятимизда жуда асқатяпти. Шу боис нашрга анъанани тарқ этмаган ҳолда келгуси йил учун обуна бўлишни унутмадик.



Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шахноза
РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

Ҳар бир хатти-ҳаракат ойнадек акс этаркан...

Шу кунга қадар босиб ўтган ҳаёт йўлингиз ҳақида мулоҳаза юритиб кўрганмисиз? Қандай савоб ишлар қилганингиз, йўл қўйган хато-камчиликларингизни таҳлил қилганмисиз?

■ Шарофат ЖАЛИЛОВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Заковат” маҳалласи раиси.

Мен маҳалла тизимига келгунга қадар бу ҳақда сира ўйлаб кўрмаган эканман. Одамлар билан гаплашдим, уларнинг қалбидаги кечинмаларини қалбдан хис қилдим. Шу зайдда ўзимнинг хатти-ҳаракатларимга ойна тутдим. Одамларни эзгуликка даъват этиш асосида мен ҳам улар билан ёнма-ён феъл-атворимни ислоҳ қила бошладим. Ҳудудимиздаги 640 та намунали уйларда 2 986 нафар

аҳоли вакили истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисми давлат корхоналари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаларида фаолият олиб боришади. Оилалар тинч ва хотижам турмуш кечиряпти. Нотинч ва ноқобил хонадонлар умуман йўқ. Фаолиятимиз давомида “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида иш юритишга ҳаракат қиляпмиз. Шу кунларда айни йўналишда ташкил этилган танловнинг шаҳар босқичига қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилляпти. Фолибликни қўлга киритишни қатъий мақсад қилганмиз. Зеро, ҳақиқатан ҳам хонадонларимиз озода, кўчаларимиз покиза. Эҳтиёжманд оилаларни қўл-



Йигит-қизларимизнинг қўлга киритаётган ҳар бир ижобий натижаси қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор уйғотади. Зеро, улар эртанимиз эгалари, юртининг суяган тоғи демак.



лаб-қувватлаш масаласи ҳам доимий эътибор марказимизда. Йил бошида рўйхатга олинган 10 та хонадондан 9 тасининг шароитини яхшилашга эришдик. Бунда ишсизларнинг

бандлигини таъминладик, фуқароларга имкониятидан келиб чиқиб, субсидия ва кредит ажратдик. Хусусан, боқувчисини йўқотган бир аёл фарзандлари билан бирга қийналиб кун

кечираётган эди. Ўғлини “Ёшлар дафтари”га киритиб, олий таълим муассасасида таҳсил олиши учун шартнома пулларини тўлашда ёрдам кўрсатилди. Ҳозир йигит ўқишни тамомлаб, ишга жойлашган. Даромади анча яхши. Улар ўзлари келиб, рўйхатдан чиқаришимизни сўрашди.

Дарвоқе, маҳаллада ёшлар билан олиб борилаётган тадбирлар, уларнинг билган олиши учун яратиб берилган имкониятлар самараси ўлароқ, жорий ўқув йилида 32 нафар битувчининг ҳаммаси талаба бўлиш бахтига эришди. Бундан ташқари, 14 ёшли Саидбек Сирождидинов қаратэ спорт тури бўйича икки қарра жаҳон чемпионилигини қўлга киритди.



Камида 15 йиллик стажига бўлган тиббиёт ходимлари фарзандларининг ТЎЛОВ-ШАРТНОМА СУММАСИНИНГ бир қисми қоплаб берилади.



Марказий банк 18 та банкка ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ОШКОРАЛИК ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНИ учун жарима солди.



2026 йилдан чиқинди хизматлари учун ФАҚАТ КЎРСАТИЛГАН ХИЗМАТ АСОСИДА тўлов амалга оширилади.

ҚАШҚАДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ЯККАБЎҒ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Тафаккур ва ёндашув ўзгаргани ҳаётни ҳам ўзгартирди

Ҳар қандай ислохотнинг самараси, энг аввало, унинг халқ ҳаётидаги ифодаси билан баҳоланади. Бугун мамлакатимизда маҳалла тизими янги босқичга кўтарилиб, унинг имкониятлари тобора кенгайиб бормоқда. Яккабўғ тумани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Сарвар АВЛАЕВ,
Ўзбекистон
маҳаллалари уюшмаси
Яккабўғ тумани бўлим бошлиғи.

Туманимиздаги 59 та маҳалла бугун нафақат аҳоли муаммоларини ечиш, балки халқ ташаббусини амалда рўёбга чиқараётган, уларнинг манфаати учун ҳаракат қилаётган фаол ижтимоий майдонга айланди. Бунинг тасдиғини 2023-2025 йиллар давомида “Ташаббусли бюджет” доирасида маҳаллаларда 114,2 миллиард сўмлик 86 та лойиҳа амалга оширилгани ҳам тасдиқлайди. Бу рақамлар ортда оддий одамларнинг ҳаётини енгиллаштириш, яшаш муҳитини обод қилишга қаратилган меҳнат, ҳаракат ва ҳамжиҳатлик туради.

Жорий йилнинг олти ойлик натижаларига кўра, “Тўқбой”, “Жийда”, “Пахтакор”, “Ўзун”, “Чайдори”, “Толлибулоқ”, “Алақулоқ”, “Кўшчинор”, “Совуқбулоқ”, “Учтепа”, “Фаровонлик”, “Дарё”, “Дархон”, “Ўйғур”, “Хиёбон”, “Шар-шарбоғот”, “Шерози”, “Беҳўғил”, “Бозор”, “Ишкент”, “Каттабўғ”, “Кенгузар”, “Мевазор”, “Серб” ва “Турон” маҳаллаларида раислар ташаббуси билан халқ учун муҳим ишлар амалга оширилди.

Фақатгина жорий йилда 25 километр пиёдалар йўлаги, 20 километрдан ортиқ ички йўллар янгиланди. Ичимлик ва оқова сув иншоотлари таъмирланди, 1 000 дан ортиқ бетон устунлар ўрнатилди, бир нечта кўприклар қайта тикланди. Энг муҳими, 50 нафарга яқин ёлғиз ва қаровчисиз фуқароларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Бу ишлар маҳалла аҳлининг меҳри, бирдамлиги ва энг муҳими — ўзини масъул ҳис этиш туйғусинан далолат беради.

Масалан, “Пахтакор” маҳалласида 1,2 километр, “Ўзун” маҳалласида



1,5 километр, “Фаровонлик” йиғинида 1 километр пиёдалар йўлакчаси маҳалла раислари ташаббуси ҳамда ҳомийлар кўмағида ҳашар йўли билан барпо этилди. Энг қизиғи, кўш панелли ёритгич чироқлар ўрнатилган. Ушбу ишлар маҳалла иштиёрида қолётган солиқларнинг 10 фоизи ҳисобидан амалга оширилди. Бу — маҳалла ўз маблағини тўғри бошқараётганининг яққол намунаси бўлди.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда маҳалла тизими халқ билан давлат ўртасидаги энг яқин боғловчи ҳалқага айланди. Аввал “кимдир келиб ечар” деб қутиладиган масалаларни энди маҳалланинг ўзи ҳал қилмоқда. Бу — янги тафаккур, янги ёндашув, янги ҳаёт тарзи.



Умид ХЎЖАҚУЛОВ,
Яккабўғ туманидаги “Совуқбулоқ” маҳалласи раиси.

Яқинда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ғолиб чиқдик. Шу баҳонада биринчи марта йўлларимиз асфальт қилиняпти. Эски лой кўчалар энди равон, текис йўллarga айланди. Болалар мактабга, онахонларимиз бозорга бемалол қатнаяпти. Икки жойда ҳашар йўли билан ичимлик сув ўтказдик. Тўртта сув насоси ўрнатиб, деҳқонларга даласини сўғориши учун шароит яратилди. Ерни эплаб ишлатган одамда барака бўлади. Ҳосил ҳам, ризқ ҳам мўл.

Ёшлар — бизнинг умидимиз. Уларга 35 сотихдан ер ажратилиб, 202 нафар йигит деҳқончиликка киришди. Масалан, Жуманазар Хуррамов картошка экиб, йилига икки-уч марта ҳосил оляпти. Оила аъзолари биргаликда меҳнат қилаётганини кўрсангиз, кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Биз ҳам ёрдамни аямаймиз, зарур техникалар билан, маслаҳат билан ёнларидамиз.

“Камбағал оилалар реестри”да турган 273 нафар фуқарога кредит ва субсидия олиш, ер ажратишда кўмаклашдик. Аксарияти ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди, ўзини ўзи банд қилди. Бундан ташқари, бир нечта хонадонга тикув машиналари олиб бердик, 3 та оиллага мотокультиватор етказиб берилди. Ҳозир улар ўз уйида ишлаб, даромад топяпти. Аёлларимиз учун алоҳида тикув цехи очдик, иш ўрни яратдик. Натижада ишсизлик даражаси йил бошидаги 11 фоиздан 4 фоизгача тушди. Шундай самарани кўриб, “ҳаракат қилсанг, интиланг, меҳнат зое кетмайди”, деган фикрга яна бир бор амин бўлдим.

Энг қувонарли ишларимиздан бири — аёллар учун фитнес клуб очганимиз бўлди. Бўш турган бинони таъмирлаб, жиҳозлаб бердик. Ҳар кун аёлларимиз 2 соатдан шуғулланади. Эркаклар учун спорт мажмуалари кўп, аммо аёллар учун бундай имконият кам. Шунинг учун бу ташаббусни ҳар жойда амалга ошириш керак, деб ўйлайман. Ахир соғлом аёл — соғлом оила, соғлом оила эса жамиятнинг пойдевори-ку!

Мен раис сифатида бир нарсани яхши биламан: халқ билан бирга бўлсангиз, халқ учун меҳнат қилсангиз, натижа бўлади. Маҳалламиздаги иморатларнинг ҳар бир тошида, ҳар бир ғиштида одамларнинг қўл меҳнати, сабри бор. Шунинг учун бугун бу ўзгаришларни кўриб, кўнглим тўлади.

НИГОҲ

Кичик томорқадаги катта мўъжиза

Маҳалламизда 6 234 нафар аҳоли яшайди, ҳар бир хонадонда меҳнат, ҳаракат ва барака бор. Аҳолининг 70 фоизи чорвачилик билан шуғулланади, деҳқончилик ва асаларичилик кенг ривожланган.



Бозор МУСТАФОЕВ,
Яккабўғ туманидаги
“Ўзун” маҳалласи раиси.

Шундай меҳнатсевар оилалар орасида Шоира Асомова хонадонини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шоира опа ўқитувчиликдан нафақага чиққач, илм ва тажрибасини амалда қўлаб, оиласи билан лимончиликни йўлга қўйди. Дастлаб 6 сотих ерда бошланган бу иш бугун йирик тадбиркорликка айланди. Иссиқхонада 72 туп лимон бўлиб, уларнинг ҳар бири ҳосилга кирган. Шунингдек, 5 туп мандарин ва 2 туп апельсин дарахти парвариш қилинади. Ҳозир айнан ҳосил пишган пайт, лимонлар дўкон ва бозор расталарига 30 минг сўмдан топширилмоқда.

Шоира опа лимончилик билан чегараланиб қолмади. Уйида 4-5 бош чорваси бор, шунингдек, 15 та асалари оиласини парваришлайди. Асаларичиликни иккита оиладан бошлаб, меҳнат ва сабр билан шу даражага етказган. Уларнинг ҳосилидан олинган асал оила соғлиги учун фойдали бўлиши билан бирга, лимонларнинг чангланishiга ҳам ёрдам беради.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, уларнинг биоғумус тайёрлаш ишлари. Чорвачиликдан чиққан чиқиндиларни Калифорния қизил чувалангига ёрдамида қайта ишлашади. Бу жонзот чиқиндини ютиб, бой ўғит, биоғумус ҳосил қилади. Шоира опа бу ўғитни лимон тагига, томорқадаги экинларга ишлатиб, ер унумдорлигини оширади.

Лимончиликнинг ўзи ҳам осон иш эмас. Сурхондарёдан олиб келинган кўчатларни парваришлашда сабр, билим ва меҳр керак. Ҳар



бир шох қузатилиб, ҳосил бермайдиганлари олиб ташланади, ўсимлик мунтазам сўғорилиб, озиклантирилади. Қиш кунлари совуқдан сақлаш учун усти ёпилади. Шу тариқа йил давомида тинимсиз меҳнат қилиб, мўл ҳосил олинади.

Шоира Асомова ҳақиқий ўз ишининг устаси, илм билан меҳнатни уйғун қилган инсон. Бугун у нафақат ўз оиласини, балки атрофдаги аёлларни ҳам ишга, тадбиркорликка руҳлантириб келмоқда. Бундай фидойи инсонлар кўпайса, маҳалламиз янада фаровон, юртимиз эса баракали бўлади.

Шоира опанинг ҳаёти барчамиз учун ибрат: агар инсон меҳнатсевар, изланишга мойил бўлса, кичик томорқадан ҳам катта мўъжиза яратиш мумкин эканини унинг ҳаёт тарзидан англаш мумкин.

“Mahalla” сиз маҳаллани тасаввур этиш қийин

Ҳасан РАҲИМОВ,
Яккабўғ туманидаги “Пахтакор” маҳалласи раиси:

— Ҳар кун маҳалла идораси сари отланар эканман, “бугун кимнинг дардида ечим топаман?” деган ўй ҳаёлимдан ўтади. Баъзида ёш оилаларнинг тортишувида гувоҳ бўламиз, баъзан ёлғиз қариялар ёрдам умидида келади, ёки бир тадбиркор лойиҳасини амалга ошириш учун маслаҳат сўрайди. Ҳар бир инсоннинг ҳолати ўзига хос, ҳар бир муаммо учун алоҳида ёндашув керак.

Бу вазифани бажариш осон эмас, лекин ҳар кун одамлар розилигини кўриш — энг катта мукофот. Илк кунларда тажриба етишмаслиги сезиларди. Аммо мен изланишни, ўранишни тўхтатмадим. Ҳар бир тажрибали ҳамкасбимдан, ҳар бир нуруний отахон ва онахондан ўргандим. Улардан эшитган ҳаётий маслаҳатлар ҳар кун ишимда қўл келмоқда.

Шу йўлда мен учун энг ишончли ҳамроҳлардан бири — “Mahalla” газетаси бўлди. Ҳар бир сонини интиқлик билан қутамиз. Газетада чоп этилаётган мақолалар орқали мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган ислохотлар, илғор маҳаллалар фаолияти, фойдали тажрибалар ҳақида билиб оламиз. Айниқса, маҳалла фаолларининг ҳаётий мисоллар асосида ёзилган мақолалари менга катта илҳом беради. Чунки у ерда ҳар бир сўз ортида ҳаёт бор, меҳр бор, инсонпарварлик бор.

Ҳар йили жамоамиз билан биргаликда “Mahalla” газетасига обуна бўлишни анъанага айлантирдик. Чунки бундай маънавий ҳамроҳсиз ишни тасаввур этиш қийин.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Шахноза
ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



2026 йилдан
олий маълумотли
ҳамшираларнинг
маошига
100 ФОИЗ
УСТАМА берилади.



Бир ярим йилда
ЭКОЛОГИК
ЖИНОЯТЛАР
БЎЙИЧА
400 дан ортиқ шахс
судга
тортилди.



2026 йилдан
тиббиёт ва
фармацевтика
ходимларига
БАРЧА ТУРДАГИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ
учун тўловлар
миқдори икки баробар
камайтирилади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Ўзгаришни ҳаётида ҳис қилмоқлик ҳақиқатнинг мезонидир

Раҳбарлик амал эмас, аввало, шу ерда яшовчи аҳоли шароитини яхшилаш, турмуш даражасини фаровон бўлишига ҳисса қўшишдир. Илк бор лавозимга тайинланганимда, зиммамга катта масъулият олганимни ҳис қилганман. Фаолиятимни мана шу мезонга мос ташкил этиб, режаларни босқичма-босқич амалга оширяпман. Асосий мақсад — халқ розилигига эришиш.

Зохиджон УСМОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
Ғаллаорол тумани бўлими бошлиғи.

Хар куни кўчаларни айланиб, хонадонларга кирганда, одамларнинг кўзига қарайман. Улар биздан розими, ҳаётида ўзгаришларни сезяптими, деган саволга жавоб излайман. Бир ой олдин келганимда ишсизлигидан нолиб турган йигит бугун тadbиркорга айланса, камбағал оила рўйхатдан чиқарилса, мендан бахтли инсон бўлмайди. Бунинг учун барча имкониятни ишга сояламиз. Хар бир маҳалланинг хусусиятидан келиб чиқиб, Сайхунобод, Уйчи, Зарбдор, Ғаждувон туманлари тажрибасини татбиқ этияпмиз. Бундан ташқари, “ўсиш нуктаси” орқали аҳоли даромади ошмоқда. Туманда 34 та маҳалла бўлиб, 2 таси саноат, 10 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 23 таси қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган. Сайхунобод тумани тажрибаси асосида етакчи тadbиркорлар ёрдамида томорқадан юқори даромад олиш йўлга қўйилди. Жум-



ладан, “Мулкуш”, “Корис кудук” ва “Гулчамбар” маҳаллаларига қарашли 35 та хонадонда картошка экилди. Шунингдек, 15 та хонадоннинг 1,5 гектар ер майдонида пиёз парваришлаш йўлга қўйилди. Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан уруғлик учун ўртача 200 миллион сўм сарфланиб, аҳоли томорқаларида илмий тавсиялар асосида агротехник тadbирлар олиб борилди. 82 та хонадонга иссиқхона қурилди. Бундан ташқари, парранда, қорамол, қўй ва эчки, қуён, асалари уяси, тикувчилик дастгоҳи ажратилди. Натижада оила аъзолари бандлиги таъминланди. Масалан, “Сарбозор” маҳалласида яшовчи Наргиза Санаева 30 млн. сўм кредит маблағига хонадонидида 3 бош қорамол, 50 бош парранда боқиш ҳамда кўзикорин етиштиришни йўлга қўйди. “Маданият” маҳалласида яшовчи Эркин Ҳабибуллаев 20 млн. сўм кредит маблағи олиб, томорқасида 2 сотихли иссиқхона ташкил этди, чорвачиликдан юқори даромад топомоқда. “Уйчи тажрибаси”ни ривожлантириш орқали 15 минг нафар аҳоли бизнесга жалб қилинди. Хар бир

маҳаллада кичик лойиҳалар амалга оширилиб, икки минг нафардан зиёд аҳоли ишли бўлди. Оилавий тadbиркорлик дастурлари доирасида 3 минг 571 нафар талабгорга 58 млрд. сўм кредит берилди. “Бир маҳалла — бир махсулот” тамойили асосида 8 та намунали лойиҳа амалга оширилди. 13 та лойиҳа асосида 525 та иш ўринлари яратилди. Яна 5 та “драйвер” лойиҳа ишга тушгач, 325 та иш ўрини пайдо бўлади. Туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 15 фоизни ташкил қилганди. Ҳозиргача 3 минг 123 та оила камбағалликдан чиқарилди. Президент ташаббуси билан янги тизим асосида “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” қайта хатлов ўтказиб, оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганди. Энг оғир тоифадаги 314 та камбағал оилга ёрдам берилди. Ҳозиргача 28 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Икки нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, олти нафарига 45 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди, 77 нафарига ижтимоий нафақа тайинланди.

ТАЖРИБА

“Узунбулоқ” энди оддий маҳалла эмас

Яқин келажақда Ўзбекистонда “Туризм маҳаллалари” пайдо бўлиши ҳақида айтилганда, улар сафидан жой олишини хоҳлагандик. Чунки бунинг учун ҳудудда барча имконият мавжуд. Чин дилдан истасангиз, албатта, амалга ошаркан.



Максуд БОБОБОЕВ,
Ғаллаорол туманидаги
“Узунбулоқ” маҳалласи раиси.

Президентимиз Жиззах вилоятига ташрифлари чоғида бу борада алоҳида тўхталиб, масъулларга топириқ бергандилар. Кўп ўтмай, маҳалламиз илк “Туризм маҳалласи” сифатида эътироф этилди, махсус сертификат топирилди. Ҳўш, бу янгилик аҳоли ҳаётида қандай ўзгариш ясади? Аввало, янги “ўсиш нукта”миз муҳим даромад манбаига айланди. Мисол учун, икки нафар маҳаллий тadbиркор оилавий меҳмон уйлари ташкил қилиб, 20 та иш ўрни яратди. Бугунги кунда 10 дан ортиқ оилавий меҳмон уйи, 8 та хунареманд, 5 та овқатланиш шохобчаси, 2 та суратга тушиш майдони ва 3 та савдо маркази фаолият юритмоқда. Айниқса, “Саъд ибн Абу Ваққос” зиёратгоҳининг мавжудлиги ҳудудни зиёрат ва маънавий туризм марказига айлантириш имконини берди. Сир эмас, инфратузилма ривожланмаса, сайёҳлик барқарор ўсмайди. Шу боис, “Саъд ибн Абу Ваққос” зиёратгоҳига олиб борувчи 3,1 километр асосий йўл таъмирланди. Бунинг учун 1 миллиард 833 миллион сўм маблағ ажратилди. Авлиё қишлоғи ички йўлининг 0,75 километр қисми шағаллаштирилиб, йўл белгилар билан жиҳозланди. Бу чора-tadbирлар маҳаллага кириб келаётган сайёҳлар учун қулайлик яратди. Ўз навбатида, янги соҳа ривожини ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга ҳисса қўшмоқда. Айниқса, қўлида бирор хунари бор инсонларга имконият эшигини очди. Чунки келган сайёҳ, албатта, хунаремандчилик буюмлари сотиб олади. Яъни, соҳага талаб ортди. Бу имкониятдан унумли фойдаланган Акбар Жуманазаров ота касби — хунаремандчилик йўналишида тadbиркорлик фаолиятини бошлади. Унга “маҳалла еттилиги” зарур кўмак кўрсатди. Шу орқали ишсизлар рўйхатидан чиқди. Янгилик, ҳатто нафақадаги кекса отахон-онахонларни ҳам ҳаракатга келтирди. Мисол учун, Эркин бобо Ҳайдаров ана шундай ташаббускорлардан. Ўғиллари, келинларини ёнига олиб, хонадонидида оилавий меҳмон уйи очди. Шу орқали 5 та иш ўрни яратди.



Саҳифани
“Mahalla”
муҳбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



“Хавфсиз маҳалла”
дастури асосида
5 та кўчага кузатув
камераси, тунги
ёритиш чироқлари,
йўл белгилари
ўрнатилди.
Абдурауф Бўронов
хонадонидида
кўчатчиликни йўлга
қўйиб, йилига
40 минг туپ кўчат
етказиб бермоқда.
Муҳими, бу ерда
15 та иш ўрни
яратилди.



“МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?”

“Mahalla”нинг алоҳида ўрни бор...

Абдуғани АБИРҚУЛОВ,
Ғаллаорол туманидаги
“Лалмикор” маҳалласи раиси:

— Босма нашрлар, бу — “тарих”. Газета ва журналларнинг яна бир афзаллиги шундадир балки. Чоп этилган хар бир мақола сақланиб қолади. Зарурат туғилса, қайта мувожаат қилиш мумкин. Узоқ йиллардан бери турли номдаги газета ва журналлар таҳламини юрutiб келаман. Уларнинг ичида “Mahalla”нинг алоҳида ўрни бор. Шу соҳа вакили бўлганим учун фаолиятимни “Mahalla” газетасисиз тасаввур қила олмайман, хар бир сонини муролаа қилиб бараман. Соҳамиз нашрида берилаётган мақолалар иш фаолиятимда жуда асқатади. Мисол учун, мувожаатчилар келиб, у ёки бу масалада маслаҳат сўрашса, ҳеч иккиланмай, “Mahalla”дан дарҳол жавоб топаман.



МАНЗАРА

“Энг маърифатли маҳалла” номига қандай эришдик?

Қайсики, хонадон, кўча, маҳаллага маърифат, зиё нури кириб борса, шу ерда эзгулик, яхшилиқ куртак очади. Бунинг тўғри англаган ҳолда, ҳудудимизда яшовчи хар бир инсоннинг маърифатли бўлиши учун интиляпмиз. Бирорта ёш эътибордан четда қолмаган.

Умида ҲАСАНОВА,
Ғаллаорол туманидаги
“Сарбозор” маҳалласи раиси.

Агар мактаб битирувчиси олий ўқув юртига ўқишга кира олмаса ёки бирон йигит-қиз жиноят қилса, ҳаммамиз тенг қайғураемиз, бунинг ўз муаммоимиз каби қабул қилаемиз. Маънавий-маърифий тadbирлар ўтказиш аънамага айланган. Хар бир болага маҳалла масъул. Бу жараёнда кўпни кўрган нурунийлар, отахон-онахонлар кўмагига таяниб иш юритяпмиз. Мактаб билан узвий алоқа ўрнатганмиз. Саъй-ҳаракатларимиз беиз кетмаяпти. 2024 йилда вилоят бўйича “Энг маърифатли маҳалла” сифатида эътироф этилди. Ўтган йиллардаги натижаларни сарҳисоб қилиб, яхши яшаш хар бир инсоннинг ўзига боғлиқлигига амин бўлдим. Кимки қўлимдан нима ҳам келарди, дедими, ҳаракатдан тўхтайдим. Одамларимиз дунёқарашини мана шу тарзда ўзгартирдик. Бунинг натижасида ишсизликдан холи ҳудудга айландик. “Ўсиш нукта” — хизмат кўрсатиш ва деҳқончилик бўлгани учун аҳоли томорқадан самарали фойдаланиб, яхши даромад оляпти. Бундан ташқари, тadbиркорлик ривожланяпти. Агар рақамлар орқали ифодаласак, аҳолининг 619 нафари тadbиркорлик, 34 нафари иссиқхоначилик, 24 нафари хунаремандчилик, 218 нафари чорва ва паррандачилик билан шуғулланяпти. Жорий йилда 75 нафар фуқаро ишсиз сифатида рўйхатга олинганди. Барчасининг бандлиги таъминланди. Аксарият хонадонлар томорқасидан йилига 3 марта ҳосил олади. Бу — 1 сотих ердан ўртача 5 миллион сўм даромад, дегани. Яқинда Ойбек Ражабов ва Жамшид Лапасов яхши ташаббус билан чиқди. Маҳалла кўмагида сабзи ювиш қорхонаси ташкил этилиб, жами 40 та иш ўрни яратилди. Тadbиркор Отабек Муҳаммадиев тиббий клиника, Илхом Ашурматов савдо маркази барпо этди. Бу ерда яна 100 та иш ўрни пайдо бўлади. Дилёр Маматқулов ёш, билаги кучга тўла. Аммо ишсизлиги учун ёрдамга муҳтож эди. “Маҳалла еттилиги” тавсиясига кўра, субсидия асосида туҳумдан сунъий йўл билан жўжа очирадиган ускуна ва музлатгич ажратилди. Айни дамда беданачиликни йўлга қўйиб, оийга 15 миллион сўм фойда кўрмоқда. Ўтган 2-3 йилни таққосласак, улкан ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Мисол учун, 2024 йилгача кўчалар абгор эди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида ёғлиб чиқиб, 12 км. узунликдаги йўлни асфальтладик. Ҳашар ва хомийлар кўмагида 33 км. қисми шағалланди, 380 метр йўл бетонланди. Тadbиркорлик субъектлари сони ҳам 10 тадан 60 тага етди.



“UZBEKISTAN AIRWAYS”
8 та “Boeing 787-9”га
буюртма берди –
жами портфел
22 та “Dreamliner”га
етди.



2026 йил
1 июлга қадар
ЯЙЛОВЛАРНИ
ТИКЛАШ
ЛОЙИХАСИ
амалга
оширилади.



Меҳнат
мигрантлари учун
ИМТИЁЗЛИ
СУҒУРТА
ТАРИФЛАРИ
ишлаб
чиқилади.

Mahalla

№91 | 2025 йил 12 ноябрь, Чоршанба

7

СУРХОНДАРЁ
ВИЛОЯТИ
ДЕНОВ
ТУМАНИ:

СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Жонли мулоқотлар янги ғоя, ташаббусга етаклайди

Баъзан топшириқлар кўпайиб, ҳужжат ишлари билан овора бўлиб қоламиз. Шундай вақтда бир муддат халқ билан ўртада масофа юзага келгандек туюлади. Дарров бу бўшлиқни тўлдириш учун маҳаллаларга ошиқамиз. Одамлар билан суҳбатлашиш, жонли мулоқотларнинг гашти бошқача барибир. Айниқса, жадал ривожланаётган ҳудудларни айланганда, янги ташаббуслар устида ишлаётган фуқаролар билан учрашганда қайтадан кучга тўламиз.



Ҳозирги кунда мазкур ҳудудда 4 та камбағал оила мавжуд бўлиб, уларнинг шароитини яхшилаш мақсадида тикув машинаси, пишириш печи олиб берилди. Шунинг ортидан бандлиги таъминланиб, даромади ортди.

Икромжон ЭРКАБОВЕВ,

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Денов тумани бўлими бошлиғи.

Ш

у кунларда тумanning чекка ҳудудларида хатлов жараёнлари олиб бориляпти. Бу аҳоли вакиллари йўлантираётган муаммоларни яқиндан ўрганиш, уларга ечим топиш бўйича керакли чораларни кўриш имкониятини берапти. Хонадонма-хонадон юрганда, эҳтиёжманд ва ногиронлиги бўлган кишилар учун қулай шароит яратиб бериш масаласига алоҳида эътибор қаратиляпти. “Тотувлик” маҳалласида ҳам айти йўналишда қилинаётган ишлар эътиборга молик. Хусусан, оғир хасталикка чалинган Акбар Мелиевга даволаниши ва жарроҳлик амалиёти учун ҳомийлари кўмағида 60 миллион сўм маблағ йиғиб берилди. Кўни-қўшилар ва маҳалладошлар йигитнинг соғайиб кетиши учун дуода.

Кам таъминланган оила вакили бўлган Мелигул Бозорованинг уйи хароб ҳолатга келиб қолгани учун тадбиркорлар кўмағида қайта қурилди. Ўқтам Худойқуловнинг кизи хаста бўлгани учун 15 миллион сўм маблағ йиғиб берилди. Хар бир хайрли амал замирида халқнинг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами борлигини унутмаслигимиз керак.

“Тотувлик” маҳалласида чорвачилик йўналиши бўйича фаолиятини намуна сифатида кўрсатишга арзигулик фуқаролар талайгина. Жумладан, Назар Йўлдошев йигирма йилдан буён қорамол боқиш билан шуғулланади. Айни вақтда 15 та соғин сигир, 30 бош ҳўкизи ортидан ойига 20 миллион сўм атрофида соф фойда кўрапти. 5 кишининг доимий бандлигини таъминлаган.

“Зарафшон” маҳалласида 36 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро рўйхатга олинган. Жорий йилда уларнинг 2 нафарига электрон юритмали арава бердик. Бундан ташқари, тақдим этилган эшитиш мосламаси, қўлтиқтаёқ каби реабилитация қилишнинг техник воситалари қийналган кишиларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қияляпти.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ўзгаришлар туманининг барча ҳудудларини тўлиқ қамраб олган. Маҳалла ходимлари ҳам шунга муносиб тарзда астойдил меҳнат қияляпти.

“Mahalla”дан кўп маълумот оламиз”



Зухра ҚИРҒИЗБОВЕВА,
Денов туманидаги
“Қайтмас” маҳалласи раиси:

— Ҳалол меҳнат қилганга нима етсин, тўғрими? Ишлаган одам топаётган пулни қадрлайди, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймайди. Қолаверса, ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Қишин-ёзин ерга ишлов бериб, тўпроқ чангаллаб деҳқончилик қилаётган одамларга қараганимда, доим шу фикр ҳаёлимдан ўтади.

Маҳалламиздаги 3 434 нафар аҳоли вакилининг деярли кўпчилиги деҳқонлардан иборат. Уларнинг 110 нафарига 10 сотихдан, 16 нафарига 20 сотихдан, 12 нафарига 30 сотихдан ижара асосида ер берилган. Улар “Бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида тўқсонбости пиёз етиштиришни йўлга қўйган. Миришкорлар йил сайин янги тажриба ва ғоялар асосида ўз даромадини ошириб келяпти.

Халққа йўл кўрсатиш, уларга дастак бўлиш эса биз — “еттилик” вакиллариининг асосий вазифамиз саналади. Шу маънода тизим нашри ҳисобланган “Mahalla” газетасидан томорқа ва ердан унумли фойдаланиш борасида жуда кўп маълумотлар оляпти. Уларнинг ҳар бири илмий асосга эга ва синовдан ўтгани билан жуда аҳамиятли. Мушкулумизни осон қилаётган бу нашрга келгуси йил учун ҳам обуна бўлди.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза
ШАХИМХҲАЕВА
тайёрлади.

ОДАМЛАР ИШОНЧИ — ЭНГ ОЛИЙ МАҚОМ

МАНЗАРА

Маҳалламизга келадиган ичимлик сув ўзининг сифати ва чуқулиги билан ажралиб туради. Айни имкониятдан унумли фойдаланаётган Рустам Содиқов узок йиллардан буён 20 турдан кўпроқ сувни қадоклаб, истеъ-молга тайёр шаклда савдога чиқаряпти.

Жасур ТУРДИЕВ,
Денов туманидаги
“Боғи Эрам” маҳалласи раиси.

Илғор тадбиркоримиз ҳар йили маҳалламиздаги биттадан кўчани асфальтлаштириш учун 250 миллион сўмдан маблағ ажратиб келяпти. Шу сабаб 35 та кўчанинг 70 фоиз қисми тўлиқ бетонлаштирилди. Бу эзгу ташаббусни амалга оширишда аҳоли вакиллари ҳам фаол иштирок этяпти.

Маҳалла тизимида 2022 йилдан фаолият юритиб келаётган бўлсам, аввалига ёшлар етакчиси сифатида ишладим. Жараён шу қадар қизиқ ва жўшқин эдики, зерикисига вақт бўлмасди. Мана, энди раислик мақоми билан сал улғайгандек бўлдим. Биринчи навбатда, бугун юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг тўб моҳиятини англашни бошладим. Қолаверса, халққа янада яқинроқ бўлиб, бошқаларнинг дардини ҳис қилиб яшашни ўргандим. Биз “еттилик” вакиллари давлатнинг ишончли вакили сифатида билдирилган ишончини

сидқидилдан оқлашимиз кераклиги айти ҳақиқат.

Кичик шаҳарча кўринишидаги маҳалламизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш етакчи ўринда туради. Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида хусусий клиника, сартарошхона, новвойхона ҳамда савдо шохобчалари ишлаб турибди.

Улуғбек Дўстматов ташкил этган тадбиркорлик кўп тармоқли бўлиб, гилам ювиш шохобчаси, қурилиш моллари дўкони ҳамда техникаларни ижарага бериш хизмати ҳудуд аҳолисининг мушуқлини осон қилишда катта аҳамият касб этяпти. Мазкур йўналишларда 15 нафар кишининг меҳнат қилиши учун муносиб шароит яратилган.

Аслида, маҳалланинг гуллаб-яшнаши фақатгина давлат бераётган ёрдам билан чекланиб қолмаслиги керак. Аҳоли вакиллари, айниқса, тадбиркорларнинг ташаббуси бунда катта аҳамият касб этади. Айтайлик, ишбилармонимиз яқинда мактаб ҳовлисида мини футбол майдони қуриб берди. Бу ерда ҳозир ўқувчи ва уюшмаган ёшлар бир неча спорт турлари билан шуғулланиб, вақтини мазмунли ўтказяпти.

Келгусида шу каби хайрли амалларни давом эттирган ҳолда, яна учта йирик лойиҳани амалга оширишни мақсад қилганмиз. Аниқроқ айтидиган бўлсак, 10-15 сотихдан келадиган ерларда кўп қаватли уй ҳамда бир неча хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши режалаштирилган. Умид қиламизки, бугун амалга оширилаётган ҳар бир янги ташаббус эртанги ютуқларга замин демак.



БИР НАЗАР

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда янги йўналишларни йўлга қўйиш яхши самара беради. Маҳалламизда шу тамойилга риоя қилган ҳолда, ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда қуён ва курка парвариши бўйича тажрибаларни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, “Камбағал оилалар реестри”га киритилган хонадон вакилларига субсидия асосида тақдим этилаётган қулай имконият ўз натижасини кўрсатишни бошлади.

Йўлчи УМАРОВ,
Денов туманидаги
“Хайриобод” маҳалласи раиси.

Ҳозирги кунда ҳудудимизда 4 882 нафар фуқаро истикомат қилади. Уларнинг кўпчилиги деҳқончилик билан шуғулланади. Йил сайин одамларнинг ердан унумли фойдаланиш бўйича тажриба ва малакаси ортиб борапти.

Абдулла Турсунов ҳам шундай меҳнатсевар миришкорларимиздан. У ҳовлисидаги 6 сотихли иссиқхона-сидан қишин-ёзин даромад топади. Аввалига помидор, кейин бодринг экса, куз келиши билан ҳар хил кўкат уруғларини сепади. Маҳалладошимиз нафақа ёшида бўлишига қарамай, ҳаракатлари илдам, кетмон уришлари бақувват. Бундан ташқари, яна 7 сотихли ерда картошка етиштиради. Рўзгоридан орган маҳсулотларни пуллаб, хонадонини таъмирдан чиқарди, фарзандларини уйли-жойли қияляпти.

Шундай тажрибали деҳқонлардан намуна олаётган ёшларимиз ҳам анча ҳаракатга тушиб қолишган. Масалан, Бахтиёр Бозоров 8,5 сотихли томорқасига алоҳида меҳр билан ишлов беради. Эрта баҳорда бошланган ҳосил йиғим-теримини кеч кузгача давом эттиради. Айрим еқтлар маҳсулотларни харидорлар уйидан олиб кетишади.

Жорий йилнинг шу даврига қадар



Аввалига 6 сотихли томорқага бир мартагина экин экадиганлар энди уч-тўрт қайта ҳосил олишнинг уддасидан чиқяпти.



маҳалламизда анчагина мактанса арзигулик ишлар олиб борилди. Жумладан, 290 та хонадонга тоза ичимлик сув тармоғи тортилди.

“Камбағал оилалар реестри”га киритилган 5 та хонадон вакиллари-га кўрсатилган манзилли ёрдамлар сабаб барчасининг турмуш тарзини яхшилашга эришдик. Уларга “Саховат ва кўмак” жамғармасидан ажратилган моддий ёрдам билан уйини таъмирдан чиқардик.

Келгусида қуён ва курка боқилининг иккинчи босқичини йўлга қўйишни режалаштирганмиз. Бунинг учун аҳолининг кўпроқ тажриба ва малака оширишига шароит яратиб берилади. Қолаверса, томорқаларда қўшимча равишда пиёз, сабзи ва картошка каби полиз экинлари етиштиришни оммалаштирмоқчимиз. Одамлар қанча меҳнат билан банд бўлса, доимий келиб турадиган даромад манбаига эга бўлса, муаммоли масалалар шунча камайиб бораверишини қуриб, гувоҳи бўляпмиз.



**ФУТБОЛ
БЎЙИЧА
Ўзбе-
кистон
ўсмирлар
терма
жамоаси
Панама-
ни 6:1
ҳисобида
мағлуби-
ятга уч-
ратди.**



**БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ, ШАҲРАМ ҒИЁСОВ,
ЛАЗИЗБЕК МУЛЛАЖОНОВ 14 ноябрь куни “Хумо Арена”
мажмуасида навбатдаги жангларини ўтказди.**



**САРВАР ЗА-
ФАРЖОНОВ**
Ислон бир-
дамлиги ўйин-
ларида оғир
атлетикада
3 та — иккита
олтин, битта
кумуш медал-
га сазовор
бўлди.

8

№91 | 2025 йил 12 ноябрь, Чоршанба

Mahalla

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРҒИБОТЧИСИ!”



СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ

БАДАНТАРБИЯ

ҚАРИМАЙ ДЕСАНГИЗ, ТАОМНОМАНИ ТЎҒРИЛАНГ

Таомномани тузишга жиддий эътибор бериш орқали қарилик ва у билан боғлиқ нохуш оқибатларни, масалан, ажин тушишини анча кечиктириш мумкин. Бунда нафақат маҳсулотлар танлови, балки уларни қандай тановул қилишни ҳам билиш муҳим.

Биринчи навбатда, табиий ва “хақиқий” маҳсулотларни танланг. Аввало, ишлаб чиқариш жараёнида витамин ва озуқа моддаларининг кўп қисми олиб ташланган, аммо токсинлар ва яширин шакар билан тўлдирилган қайта ишланган маҳсулотлардан сақланг. Ярим тайёр маҳсулотлар ўрнига қорамол, балиқ, парранда гўшти, сабзавот, мева ва ёнғоқларни сотиб олинг.

Иккинчидан, таомни камроқ, аммо секин тановул қилинг. Калорияларни чеклаш ҳаётни ўзайтириши илмий жиҳатдан исботланган.

Секин овқатланиш озуқа моддаларининг яхшироқ сўрилишига ва яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради. Шунингдек, иммунитетни химоя қилиш учун жуда муҳим бўлган ичак флораси мувозанатини таъминлайди.

Учинчидан, мева-сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилинг. Улар танамизга қаришнинг баъзи таъсирига қарши курашадиган пребиотик ва антиоксидантларни етказиб беради. Гарчи кўпчилик мева-сабзавотларнинг афзалликлари ҳақида яхши билса-да, одатда дастурхонимизда бундай неъматлар етарли

бўлмайди. Уларнинг ўрнига кўпроқ столимизда гўшт ёки қайта ишланган маҳсулотлар туради.

Тўртинчидан, таомномада кўкат ва зираворлар бўлсин. Хушбўй зираворлар антиоксидант, овқат ҳазм қилиш, дезинфекциялаш, гликация ҳамда яллиғланишга қарши курашиш ва бошқа фойдали хусусиятларга эга. Айниқса, зарчава (куркума), долчин, райхон, занжабил, саримсоқ, ёз, бибария (розмарин), кашини, кардамон, зира ва хантал фойдали. Улар нафақат таомномангизни хилма-хил қилади, балки ёшликни сақлашга ёрдам беради.

Бешинчидан, қорамол, балиқ ва парранда гўштини камроқ, лекин сифатлиси-ни тановул қилинг. Мустаҳкам селоматлик ва тетиклик учун ҳар килограмм вазнга атиги 0,8-1 грамм хайвон оқсилни керак. Умуман олганда, бу қунига бир марта қо-

рамо, балиқ ёки парранда гўшти ейиш дегани. Асосийси – таркибида гормонлар ва антибиотиклар бўлмаган сифатли маҳсулотларни топа олиш. Қаришга қарши парҳезнинг асосий улушини ўсимлик маҳсулотлари (сабзавотлар, донлар, ёнғоқлар) ташкил қилиши муҳим, уларда оқсил мавжуд.

Еш кўриниш ва ўзингизни анча бақувват ҳис қилиш учун нафақат таомномангизни мувозанатлашингиз, балки уйқу тартибини меъёрга келтиришингиз, шунингдек, мунтазам жисмоний фаолликни ҳам одат қилишингиз зарур. Акс ҳолда, ҳеч қандай “ёшартирувчи олма” иш бермайди.

Бу жараёнда “маҳалла еттилиги” оилавий шифокорлар иштирокида кексалар ва аҳоли ўртасида таомланишнинг инсон саломатлигига қанчалик муҳим эканини тушуқтириб бориш зарур. Чунки одамлар нонушта қилишдан олдин танани уйғотиш, ичакларнинг тўғри ишлашини таъминлаш ҳамда эндокрин тизим биринчи таомга тайёрланиши учун кунни бир стакан илқ сувдан бошлаш каби оддий қоидаларни ҳам билиши керак. Қолаверса, маҳалла идорасига, умумтаълим ва олий таълим муассасаларига, жамоат жойлари ва транспортларга, таомланиш масканларига овқатланишнинг аҳамияти ва унда қандай таомлар истеъмол қилиниши мумкин қандай маҳсулотлар истеъмол қилиш таъсия этилмаслиги ҳақида тарғибот материаллари жойлаштирилиши зарур.

Дилафруз АБДУЛЛАЕВА,
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Қадам енгил, ҳаракат чаққон бўлса, албатта, соғлом бўласиз

Спорт билан шугулланиш,
соғлигингиз ва
чўнтагингизга фойдали



Бугун ўзининг соғлигига бефарқ бўлмай, соғлом турмуш тарзини танлаганлар учун кўпгина спорт машғулоти боришга вақт ёки маблағ топмаётганлар учун уй шароитида ёки маҳалладаги очик майдонларда шугулланиш мумкин бўлган спорт турлари талайгина. Фақат хоҳиш ва истақ бўлса кифоя.

Баҳром ПАРДАЕВ,
Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ходими.

банд бўлмаган тахтали ўриндик ва машқ тўплами зарур. Машғулотларни бажаришда гавда ҳар доим тўғри туриши, оёқ қафти осилмаслиги, бир хил қадам ҳолатида туриши керак. Ҳеч қачон кескин ҳаракат қилманг.

Агар ушбу спорт тури билан фитнес залида ёки беш-олти киши билан биргаликда ракс ритмида шугуллансангиз, янада самаралироқ бўлади. Аввало, **юрак-қон томирлари, нафас йўллари, асаб ва мускулларни мустаҳкамлайди. Қон босимининг меъёролашига ёрдам беради.** Аэробика мускулларни машқ қилдиради, танамизни келишган ва ҳолатимизни яхшилашда ёрдам беради.

Шуни унутмангки, ҳар қандай спорт тури билан шугулланиш, соғлигингизга, чўнтагингизга фойдалидир. Шундай экан, бугундан бирор спорт тури билан машғул бўлишни бошланг. Бу жараёнда “маҳалла еттилиги”, айниқса, ёшлар етакчиси ташаббусни ўз қўлига олиши зарур. Ёшлар ва аҳоли ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил этиб, маҳалласида соғлом турмуш тарзининг тарғиботчилиги айланishi лозим.

ТАВСИЯ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, 2050 йилга бориб, дунёда қандли диабет билан касалланган беморлар сони ҳозиргидан қарийб уч баробар ортиб, бир ярим миллиард нафарга етиши мумкин.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН?

Феруза ТОҲИРОВА,
Саломатлик ва стратегик
ривожланиш институти
бошқарма бошлиғи.



Мутахассислар фикрича, бу хасталикни соғлом турмуш тарзи, айниқса, тўғри овқатланиш орқали “жиловлаш” мумкин. Чунки янги аниқланган қандли диабетнинг 2-тури кўп ҳолларда семизлик ва нотўғри овқатланиш билан чамбарчас боғлиқ. Бу ҳолатда тана инсулинни тўғри ишлатолмайди. Агар вазн йўқотилса, соғлом овқатланиш ва ҳаракат ҳаёт тарзига айланса, қандли диабет ремиссия (яъни вақтинча йўқолиш)га кирди. Бу шуни англатадики, қанд микдори меъёрга тушади, белгилар йўқолади, дори керак бўлмаслиги мумкин.

Тадқиқотларга кўра, 10-15 фоиз тана вазнидан халос бўлган инсонларда қандли диабетнинг 2-тури ремиссияси эҳти-моли жуда юқори бўлади. Аммо оғирлик яна ортса, қандли диабет қайтади. Бу ҳолат бутунлай тузалиш эмас, аммо назорат остида узоқ давом этадиган соғлом ҳолатга қайтиш имконияти бор. Сиз болашингиз мумкин бўлган энг муҳим қадам – ҳаракат ва овқатланиш одатларингизни ўзгартиришдир.

– Уйда сақланадиган қушларга, масалан, тўтиқушлар ва товуқларга юмшоқ овқат сифатида қайнатилган тухум ва бошқа сабзавотларни бериш исроф ёки беҳуда сарфлаш ҳисобланмайди?

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази:

– Динимиз ҳар бир мусулмонга ўз қарамониди инсонлар нафақасини вожиб қилган. Аммо бошқаларга таом ва сув бериш эса инсон учун мустаҳаб саналади. Уйдаги жонотлар таъминоти ҳам ана шу мустаҳаб ҳукмлардан биридир. Шу боис уларга саволда айтилган озуқаларни бериш исрофга кирмайди. Аммо агар заруратдан ортиқча овқат бериш сабабли бирор диний ҳақ зое бўлаётган бўлса, масалан, хотини ва болаларига сарфлаш ўрнига тўтиқушлар ва товуқларни бокса, бундай озиклантириш ножоиз саналади.

Шунингдек, қавми-қариндош ва кўни-қўшнилар ана шу озуқаларга муҳтож бўла туриб, уларни қуш ва парранда-

ҲИДОЯТ САРИ

ҲАЙВОН ВА ҚУШЛАРГА ОВҚАТ БЕРИШ ИСРОФМИ?

ларга беришни ҳам шариат маъқулламайди. Чунки Аллоҳ таоло мол-мулкни одамларнинг манфаатлари учун яратган, уларнинг ҳақларини адо этмасдан, бошқа жойга сарфлаш ўша манфаатларни ноҳақ совириш ҳисобланади.

Демак, уйда боқилаётган хайвонлар ва қушларга яхши овқатлар бериб парваришда бирор диний ҳақ-хуқуқ поймол қилинмаётган бўлса, бу иш исрофга кирмайди. Зеро, исроф керагидан ортиқчасини ёки қўл остидагилар муҳтож бўлиб турган нарсаларни берилганда ёки бу иш манманлик учун қилинганда содир бўлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз Аҳмедов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» MCHJ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 220 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1011

